

Абдулхай Абдурахмонов


РУҲ СИРЛАРИ



АБДУЛҲАЙ АБДУРАҲМОНОВ

РУҲ
СИРЛАРИ

(Илмий - маърифий нашр)



Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси «Фан» нашриёти
2006

87.2.

А 15

Абдулхай Абдурахмонов

Рух сирлари (Илмий-маърифий нашр). Учинчи китоб. К.З.

Сўз боши муаллифи: Анвар Абдусамедов, масъул муҳаррир: Ҳамиджон Ҳомидий, нашриёт муҳаррири: Умурзоқ Зокиров. тақризчилар: Файзулла Исмоқов, Қаҳҳор Ҳожиматов. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2006 йил. ISBN 5-648-03437-7; М–260. 504-бет.

Мазкур китоб муаллифнинг «Саодатга элтувчи билим» асарининг узвий ва мантикий давоми бўлиб, унда асосан ўта мураккаб ва бағоят сирлилиги туфайли метафизика, метафилософия, парапсихология каби фанлар томонидан энг кам ўрганилган мавзу – рух сирлари ҳақида сўз юритилади.

Ундан ташқари бу китобда бутун Борлиқнинг бунёд этилиш тарихи ва сабаблари, шу жумладан, инсоннинг яратилиши ва унинг дунё ҳаётида тутган ўрни, бажариши керак бўлган вазифалари, ҳаёт сирлари, турли-туман мавҳумотлар, муаммолар, фоний ва боқий дунё муносабатлари, сирларнинг ичида энг сирлиси бўлган вақт ва замоннинг моҳияти, уларнинг қай тарзда яратилганлиги, эзотерик билимлар ва бизга жуда ғалати туюладиган, «ақл бовар қилмайдиган» бошқа ғаройиботлар ҳақида мантикий гипотезалар асосида фикр юритилади.

Шунингдек, ушбу китобда сайёрамизда кўзимизга кўринмай, биз билан бирга ёнма-ён яшаётган, ҳаётимизга маълум даражада таъсир қилиб турадиган онгли мавжудотлар, бошқа оламлардаги ҳаёт ва ҳоказолар ҳақидаги инсоният тарихида оламшумул аҳамиятга эга бўлган Само хабарлари ҳам ўз ифодасини топган.

Китоб файласуфлар, рухшунослар, тарихчилар, педагоглар, табиатшунослар, бакалавр ва магистрларга, шунингдек, жамиятимизнинг фикрловчи, комилликка ва тараққиётга интилувчи илғор кишиларига мўлжалланган.

ББК 87.2.

№ 393–2006

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

© Абдулхай Абдурахмонов, 2006.

Сўз боши

Мустақиллигимиз шарофати билан кўп нарса ижобий томонга ўзгарди, мустабид тузум даврида рух, дин ва илоҳиёт билан боғлиқ нарсалар ҳақида ёзиш умуман ман этилган эди. Ҳозир эса нафақат улар ҳақида, балки ўлим, унинг моҳияти, руҳларнинг турлари ва уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, фоний ва боқий дунё, жаннат ва дўзах, ҳалол ва ҳаром, савоб ва гуноҳ, Аллоҳ таолонинг инсонларни яратишдан мақсади, ва шунга кўра, биз – инсонларнинг вазифалари нималардан иборат эканлиги ва ҳоказолар ҳақида бемалол, атрофлича фикр юритиб, қалам тебратиш имкониятига эга бўлдик.

Ана шундай дориламон замонда бемалол қалам тебратиб, жамиятимизнинг маънавий ривожига ўзининг камтарона ҳиссасини қўшаётган рухшунос олимларимиздан бири Абдулҳай Абдурахмоновдир.

Бугунги кунда, дунё халқлари руҳий ва маънавий ривожланишга муҳтож, чанқоқ бўлиб турган бир пайтда, унинг бу ҳақда қалам тебратиши жамиятимизнинг ҳар бир маърифатпарвар аъзоси учун айни муддао бўлди.

Ҳозирги пайтда инсониятнинг ақлий тараққиёти ниҳоятда ўсиб, янада улкан, мураккаб ихтиролар, кашфиётлар, турли-туман янгиликлар яратиш даврига кирди. Инсониятнинг ўзи, ва шунингдек, фан-техника тараққиёти аста-секин – йиллар, асрлар мобайнида эмас, балки соат сайин ўсиб, тобора шиддат билан ривожланиб бормоқда.

Аmmo инсонларнинг маънавияти моддий-техника тараққиётига нисбатан анча орқада қолиб кетаётганлиги яққол сезилиб қолмоқда. Бундай номутаносиблик кишилиқ жамиятини жуда нохуш, ҳатто аянчли оқибатларга олиб бориши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шунга кўра, эндиги даврда инсонларни маънавиятини шакллантириш муҳим ва долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бундай вазифани бажариш ҳаммавақт жамиятимизнинг илғор қисми – зиёли фидокор инсонлар зиммасига тушиб келган. Мазкур “Рух сирлари” китобининг муаллифи Абдулҳай Абдурахмонов қалб амри билан ана шундай вазифани ўз гарданига олган зиёлларимиздан бири бўлиб майдонга чиқди.

Муаллифнинг ушбу ажойиб китобни ёзиб тугатиб, сиз азиз китобхонларга армуғон этиши унинг ўз вазифасини сидқидилдан, шараф билан аъло даражада адо этганлигидан далолат беради, деб ўйлаймиз.

Аллоҳ таоло аслида инсонни фақат моддий манфаатлар билангина машғул бўладиган қилиб яратмаган. Бу ҳақда Ҳақ субҳонаҳу ва таоло:

– Мен инсонни обид (фақат ибодат қилувчи) эмас, балки олим қилиб яратдим, илм қидирган Мени топади, – деган.

Яъни, фақат ибодатнинг ўзи билан чегараланиб қолган киши ҳеч қачон яратувчи ижодкор – олим бўла олмайди.

Аллоҳ таоло ана шундай мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган, янгиликлар ярата оладиган, хур фикрли ижодкор бандаларини суйишини инсонларга доим Ўзининг азиз-авлиёлари орқали илҳом йўсинида билдириб турган.

Инсон – рух ва моддадан иборат. Энг покиза, кучли руҳлар Тангри таолога яқин бўлиб, у ўзининг билимдонлиги, баркамол ва мукамаллиги билан бошқа руҳлардан кескин ажралиб туради. Бундай мусаффо, баркамол руҳиятли инсонни халқимиз: “У Аллоҳ назар солган одам”, – деб айтадилар. Энди элга танилиб қолган, инсон руҳияти ва қалбининг энг нозик томонларини яхши билган ёзувчи, амалиётчи олимимиз Абдулхай Абдурахмоновни ана шундай инсонлар қаторига киритиш мумкин.

Инсоният яратилибдики, ўзи яшаб турган табиий муҳитга, теваарак-атрофга доимо қизиқсиниб қараб келган. Табиий кечадиган жараёнларни муттасил кузатиб борган, уларни билишга, ўрганишга ва улардан ўз фойдасига нимаики бўлса ундиришга, ўзлаштириб олишга ҳаракат қилган.

Инсонлар дастлаб, тайёр табиий неъматларни истеъмол қилиб келганлар. Яшаш учун иқлим шароитлари ёмонлашганда табиат кучлари билан кураш олиб борганлар. Турли шароитларда яшаш учун ўзларига бошпаналар қуриб олганлар. Дастлаб тайёр ғорларда, ўрмонларда яшаб юрган бўлсалар, кейинчалик соддагина қапа, чайлалар, ундан кейинроқ эса тошлардан уйлар қуриб олганлар.

Содда тош қуроллардан, аста-секин металллардан мураккаб меҳнат ва ов қуроллари ясаб ола бошлаганлар. Пичоқ, қилич, найза, қирғич, игна, бигиз, болта ва ҳоказоларни ихтиро қилганлар. Тош қуролларини тобора ихчамлаштириб қулайлаштирганлар. Пармани ўйлаб топганлар. У билан тош, ёғоч ва суякларни пармалаб, ўзларига керакли буюмларни ясаб олишни ўзлаштирганлар. Оловни кашф этганлар. Ов ва иш қуролларини такомиллаштира бориб, йирик ҳайвонларни овлашга ўтганлар, уларни тириклайин тутиш учун тузоқлар қўйишни ўрганганлар. Айниқса, найза, камон ва олов ихтиро қилиниши билан овчилик янада ривожланиб кетган. Айрим ёввойи ҳайвонларни тутиб олиб, уй шароитига мослаштириб хонакилаштирганлар, натижада аста-секин подачилик юзага келган.

Эркаклар асосан овчилик билан шуғулланиб юрган бўлсалар, аёллар уйда хонаки ҳайвон ва паррандаларни боқиб кўпайтириш билан машғул бўлганлар. Кейинчалик эса зироатчилик билан шуғулланишга ўтганлар.

Шундай йўллар билан ўзларининг турмуш шароитларини енгиллаштириб келганлар. Табиий кучларга, йирик йиртқич ҳайвонларга қарши биргалашиб курашиш учун аста-секин ибтидоий жамиятдан уруғчилик жамиятига – “уруғ-уруғ,” “қабила-қабила” бўлиб яшашга ўтганлар.

Шундай қилиб, ҳаёт учун кураш жараёнида инсонларнинг фикрлаш, идрок этиш қобилиятлари ва ҳаётий тажрибалари ҳам аста-секин ривожланиб борган. Натижада илм-фан тараққиёти шу бугунги юксак даража-

га етиб келди. Кеча ғайритабий, афсона, мўъжиза бўлиб туюлган нарсалар бугунги кунга келиб ҳақиқатга айланди.

Бундан шундай мантиқий хулоса келиб чиқадикки, ҳамоно ҳамма нарса Аллоҳ таоло иродаси билан юз берар экан, умумий тараққиёт жараёнининг бундай бетўхтов, шиддатли равишда юксалиб боришини Яратгувчининг Ўзи тегишли равишда дастурлаб қўймаганмикан?

– Агар шундай бўлса, демак, бундан яна Аллоҳ таоло Ўзи яратган мавжудотларининг олийси бўлмиш инсонларнинг онги, фикрлаш ва идрок этиш қобилиятларининг ҳам тобора тараққий эта боришини ҳам ирода этган ва белгилаб қўйган, деган мантиқий хулоса келиб чиқмайдими? – деб ёзади муаллиф ўзининг мазкур китобида. У ана шулар ҳақида фикр юритиб, Аллоҳ таоло инсонларни ва умуман бутун Борликни нима мақсадда яратган, инсониятнинг пировард истиқболи – тақдири қандай бўлиши мумкин, деган саволларни ўртага ташлайди ва уларга жавоб излаб шундай деб ёзади:

– Яратгувчи бизга ўлчовли ақл-идрок ва чексиз ирода эркинлигини берган. Аммо У бизни не мақсадда яратганидан беҳабармиз, – деб гап бошлайди ва ўз фикрини изчиллик билан қуйидагича давом эттиради:

– Модомики, бизнинг мавжудлигимиз ва яшашимиз учун етарли, қулай шарт-шароит яратиб қўйилган экан, демак, биз Яратгувчига нима учундир керакмиз ..., – деб ёзади ва инсоният яратилганидан бери ана шу жумбоқлар ечимини топиш учун тинмай изланишда давом этиб келаётгани, аммо ҳали-ҳанузгача бунга жўяли бир жавоб топа олмаётганини таъкидлаб, ушбу нозик масала таҳлилига ғайрат билан киришиб кетади.

Муаллиф асосий мавзу бўлган руҳ сирларидан ташқари инсоният ҳозиргача қизиқсиниб келаётган яна бошқа кўп, турли-туман муаммолар ҳақида ҳам бош қотиради.

Мазкур китобнинг *иккинчи қисми* – “Само хабарлари” ва *учинчи қисми* “Ҳаёт сирлари” 2001 йилда вафот этиб кетган, юксак тафаккур ва жуда бой билимлар соҳиби бўлган асакалик Исмоилшоҳ Фазовий (Исмоил Эргашев) қаламига мансуб бўлиб, улар асосан Коинотнинг онгли мавжудотлари хабарларига таяниб ёзилган. Исмоилшоҳнинг мухлиси ва дўсти Абдулхай Абдурахмонов унинг қўлёзмаларининг каму-кўстини тузатиб, таҳрир қилиб, нашрга тайёрлаган ва уларни ўзининг мазкур “Руҳ сирлари” китобига киритиб, халқимизга жуда ҳам фойдали ва савобли ишни бажарган.

Китобдаги асрлар мобайнида жаҳон мутафаккирлари ўртасида жиддий мунозаралар мавзусида бўлиб келган Коинотнинг онгли мавжудотлари, малоикалар, фаришталар ва инсонларнинг яратилиш тарихи, яратишдан қандай мақсад кўзланганлиги, уларнинг вазифалари ҳақидаги мавзулар Коинот мавжудотларининг Исмоил Эргашевга берган хабарлари асосида ёзилган.

Булардан ташқари, китобда фалсафа ва илоҳиётга оид мураккаб масалалар ҳақида жуда кўп ажойиб фикрлар баён этилган. Чунончи, гарчи инсоннинг бахти ёки бахтсизлигини тақдирдан деб билсак-да, асосан ҳар нарса одамнинг ўз сай-ҳаракати ва интилишига, ғайрату шижоатига, меҳнату қобилиятига, ақлу заковатига, ниятининг тўғри ёки эгрилигига боғлиқдир, деган фикр олға сурилган ва улар тегишли ҳаётий мисоллар билан исботлаб берилган.

Асарда келтирилган ғоялар ва илмий гипотезаларнинг ўқувчига гўё ғайритабиийдек бўлиб туюладиган ғаройиблиги, бир-бирига кескин қарама-қарши бўлган куч ва омилларнинг даҳшатли тўқнашуви натижасида рўй берадиган воқелик ва ҳодисотларнинг содда, аммо ажойиб тарзда тасвирлаб берилиши кишида катта қизиқиш, чуқур ва кучли ҳаяжон уйғотмай қўймайди.

Шундай қилиб, бу асар одамни жуда фаол, изчил, иродали, саботли ва матонатли бўлишга, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитга тушиб қолганда ҳам умидсизликка тушмасдан ақл ва чора-тадбир ишлатиб, нохуш ҳолатдан чиқиб кетишга ва ғалаба қозонишга ўргатади.

— Бизга маълумки, мавжуд бўлган барча мавжудотлар ичида инсон энг баркамол, улуғ зот саналади. Шунинг учун ҳар бир инсон ана шу юксак номга муносиб бўлиши керак, — деб таъкидлайди муаллиф. Мана шу ғоя асарнинг ўзагини ташкил этади.

Инсонлар азрўзи азалдан Аллоҳ таоло бутун Борлиқ — бу дунё, у дунё, кўзга кўринувчи ва кўринмовчи мавжудотларни, шулар жумласидан, яратилмишнинг энг олий мавжудоти саналмиш ҳазрати инсонни қай тариқа, нима учун ва қандай мақсадда яратганлиги ҳақида кўп ўйлаб, бир-бирлари билан доим баҳс юритиб келганлар. Содир бўладиган барча ҳодисалар, самовий воқеалар, етти фалакнинг тузилиши, руҳ сирлари, инсоннинг моддий ва руҳий томонлари, ғайритабиий ҳодисалар, сирли жумбоқлар олдида ҳайрону лол бўлиб турмасдан, уларни ғайрат ва шижоат билан ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб келганлар. Ҳақиқатни билиш учун тинмай илмий асослардан далиллар тўплаб, амалий кузатишлар, тажрибалар, изланишлар, илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Инсониятнинг бундай астойдил изланиши доимо замона тақозоси бўлиб келган.

Жумладан, Абдулҳай Абдурахмонов ҳам ўзининг мазкур китобида жуда кўп дунёвий ва диний манбалардан фойдаланган ҳолда юқорида тилга олинган муаммоларнинг аксариятининг ечимини топиб, уларни тўғри баҳолаб, аниқ ва ҳаққоний хулосалар чиқаришга муваффақ бўлган.

Тарих ва тажрибадан бизга маълумки, ҳар қандай янгиликлар, кашфиёту ихтиролар, илмий изланишлар, гипотезалар ҳеч қачон баҳс, мунозара ва тортишувларсиз ўз ўрнини топган эмас.

Бугунги кундаги инсоният тараққиёти натижаси – илм-фан ва техника ютуқлари маҳсули бўлмиш – телефон, телеграф, компьютер, интернет, радио, телевизор, электр, электрон ҳисоблаш ускуналари, машина, самолёт ва ҳоказолар бир замонлар инсоният ақлига сиғмайдиган афсона эди. Шу каби Абдулхай Абдурахмоновнинг ушбу китобда ёзганларининг айримлари бугун бизга афсонадек туюлса-да, аммо улар эртанги ҳақиқатдир.

Ушбу оламшумул аҳамиятга эга бўлган илмий-маърифий асарда кўтарилган масалалар, ғоялар ва гипотезалар бир томондан тегишли олимларимиз учун янгидан-янги илмий изланишлар, тадқиқотлар манбаи бўлиб хизмат қилса, иккинчи томондан комилликка интилувчи ҳар бир инсоннинг тафаккури, дунёқараши ва маънавиятини ошириб, уларга ажойиб фазилатлар бахш этади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллик тўйига тухфа бўлган бу китоб юртимизнинг ҳар бир хонадонидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга лойиқдир.

Анвар Абдусамедов
Фалсафа фанлари доктори, профессор

Муқаддима

Яратгувчи бизга ўлчовли ақл-идрок ва чексиз ирода эркинлигини берган. Аммо У бизни не мақсадда яратганидан бехабармиз.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман)

Эй Аллоҳим!

Сенга беадад ҳамду санолар бўлсин. Элчинг – пайғамбарлар мухри бўлмиш Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалламга дурудун саловотлар айтаман ва ёлғиз Сендангина мадад сўрайман ва фақат Сенгагина таваккул қиламан.

Ассалому алайкум, мухтарам суҳбатдош!

Комилликка интилувчи инсонларни фикр тараққиётига туртки берувчи, дунёқарашларини янада кенгайтирувчи хурфикрлилик тамойили асосида дунёга келган ушбу китоб Сизу бизга муборак бўлсин ва ҳали ушалмаган эзгу орзу-умидларингизни Аллоҳ таоло ижобат айласин.

Ёдингизда бўлса, “Саодатга элтувчи билим” китобининг охирида “содаликдан – мураккабликка”, деган фалсафий тамойилни кўзда тутиб:

– “Ана энди барча билимлар пойдевори бўлган дастлабки диний, фалсафий ва маърифий билимларга эга бўлдингиз ва келгуси – учинчи китобда бундан анча мураккаброқ кечадиган суҳбатимизга тайёр бўлиб қолдингиз”, – деб таъкидлаган эдим. Аллоҳ таолонинг инояти билан дунёга келган ушбу китобимни “Рух сирлари” деб атадим. Олдинги “Саодатга элтувчи билим” асаримда ёритиб берилган мавзуларга қараганда қўлингиздаги ушбу китобда анча-мунча мураккаброқ, кишини чуқур ўйлантириб қўядиган мавзулар – Аллоҳ таоло ҳали инсониятга маълум қилмаган, замонавий илм-фаннинг эса “қўли етмайдиган” муҳим маълумотлар – бизларга шу пайтгача сирли, мўъжиза бўлиб келган, ҳали-ҳанузгача ўзининг илмий тасдиғини топмаган ва баъзи бирлари эса, умуман фан доирасига сифмайдиган ҳодисотлар, воқеликлар, илмий назарияларни олимлар ва илоҳиётчилар қабул қилиш-қилмасликлари, илмий томондан тасдиқлаш-тасдиқламасликлари, оддий инсонлар эса ишонмиш-ишонмасликлари масалалари ҳал қилинаётган бир пайтда ўша сирли, жумбоқли масалаларни илмий жиҳатдан кенг ва чуқурроқ шарҳлаб бериш зарурати туғилди. Бу масъулиятли вазифани бажаришда ўша сирли ҳодисотлар билан боғлиқ илоҳий ва табиат қонуниятларини содда ва ҳар ким ҳам тушуна оладиган қилиб тасвирлаб бериш биз учун осон кечмади.

Аммо, шуни эътиборга олиб қўйишингизни сўрардимки, бу китоб жамиятимизнинг илғор қатламлари – дунёвий ва илоҳиётчи олимлари учун ҳам мўлжалланганлигидан ва улар бу китобда ёритилган масалалар, назариялар, муаммолар устида илмий тадқиқотлар олиб боришлари учун айрим мавзуларни чуқурроқ, кенгроқ ва атрофлича ёритиб беришга тўғри келди. Умуман олганда, ҳар ким ҳам ҳар бир нарсани чуқурроқ билиб қўйса ёмон бўлмайди.

Инсониятнинг тараққийпарвар илғор қисмига тегишли билимлар ўрин олган қўлингиздаги бу китобда асосан руҳлар ҳақида ҳамда инсониятнинг ҳали-ҳанузгача ўйлантириб келаётган, охири кўринмайдиган баҳсу мунозаралар, Яратгувчи Парвардигорнинг барча оламлар ва махлуқоту мавжудотларни яратиш сабаби, мақсади, ёндош оламлар, ҳали жуда кам ўрганилган эзотерик (ботиний) билимлар, ғайриоддий сирли ҳодисалар, воқеалар, мавҳумотлар, муаммолар, бизга ғалати туюладиган сиру синоатлар, “ақл бовар қилмайдиган” турли-туман ғаройиботлар, ибратли ҳикоятлар ва яна ҳар бир инсон билиб қўйиши керак бўлган бошқа билимлар ҳақида сўз юритилади.

Китоб тўрт қисм, ўн тўққиз фаслдан иборат. Шу жумладан, биринчи қисм – тўрт, иккинчи қисм – саккиз, учинчи қисм – уч, тўртинчи қисм – тўрт фасллардан ташкил топган.

Биринчи қисм китобхонни руҳ сирларини билишга тайёрлайди – соддаликдан аста-секин мураккабликка олиб ўтади.

Бу қисм – бу ва у дунёнинг яратилиши ҳақидаги илмий фаразларни келтириш билан бошланади, кейин сирларнинг сирлари ҳисобланмиш вақт ҳақида тушунча берилади. Ундан кейинги фаслларда ирқларнинг келиб чиқиши ҳақида, инсоният дастлаб қаерда пайдо бўлган, олдинги тамаддун вакиллари ҳозир сақланиб қолганми, йўқми; руҳ нима, жон нима; улар ҳақида узоқ ўтмишдаги ҳамда ҳозирги замонавий илмий ва диний қарашлар, фаразлар, руҳнинг янги жисм-танада яна қайта бу дунёга келиши – реинкарнация ҳодисаси, метафизик таълимотларга асосланган парапсихология фани қандай фан ва у нималар билан шуғулланади ва нималарни тадқиқ этади, эзотерик билимлардан бўлган оккультизмлар – магия, алхимия, астрология нималар билан шуғулланади; бундай билимлар илмий асосга эгами, нима учун бундай билимлар кенг оммадан сир тутиб келинган каби саволлар теварагида баҳс юритилади.

Китобнинг саккиз фаслдан иборат бўлган **II қисмида** Само хабарлари ўрин олган бўлиб, унда Исмоил Эргашевга Само мавжудотлари ёздирган Самовий хабарлар ҳақида сўз юритилади.

Бу қисмда Само хабарларини Исмоил Эргашев бир неча йиллар мобайнида қай тарзда ёзиб олганлиги ва унда инсониятга ҳали маълум бўлмаган ҳайратомуз, муҳим маълумотлар – бутун Борлиқ – бу дунёю у дунёнинг яратилиши, шу жумладан етти фалак (осмон) таркибига



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3323> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3323> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3323>